МИННАТДОРМИЗ СЕНДАН, УЛУҒ ПАРТИЯ!

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз пахтакорлари жасоратига берган юксак баҳосидан миннатдорликларини изҳор қилмоқдалар

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 276 (16.662). | 25 ноябрь 1976 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари меҳнатда катта ғалабага эришганликлари муносабати билан республика раҳбарларига йўллаган табрикномасини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ ўқиб берди.

Пленум «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш тўғрисида КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Р. ҚУРБОНОВнинг докладини тинглади.

Музокараларда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. МУРТАЗОЕВ, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси А. И. ЧУДНАЯ, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари С. М. ТОИРОВ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. АЙТМУРОТОВ, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. К. КАМОЛОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. УРКИНБОЕВ, Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг бош чўпони Ф. КУНИСОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1976—1980 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик плани, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг муҳокамасига киритилсин.



Музокаралар пайти. ТАСС махсус мухбирлари В. Мусаэльян ва В. Соболев телефотоси.

СОВЕТ-РУМИНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

23 ноябрь куни Бухарестда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Ўртоқ Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида барча соҳаларда Совет-Руминия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Бир қанча муҳим халқаро проблемалар юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

Музокараларнинг натижалари Л. И. Брежневнинг Н. Чаушеску билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги якунловчи ҳужжатда акс эттирилади.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дроздженко.

Руминия томонидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри М. Мэнеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари III. Войтек, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари III. Андрей, РКП Марказий Комитетининг секретари А. Дума, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри Д. Маковеску, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг, РСР Президентининг ёрдамчиси М. Малица, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг, РСР Президентининг ёрдамчиси В. Пунган, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг, РСР Президентининг ёрдамчиси К. Митя, РКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, РСРнинг СССРдаги элчиси Г. Бадрус иштирок этдилар. (ТАСС).

СОВЕТ—РУМИНИЯ БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

24 ноябрь куни Бухарестда, Давлат кенгаши саройида Совет — Руминия баёноти имзоланди.

Ҳужжатни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску имзоладилар.

Ҳужжатни имзолашда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дроздженко;

Руминия томонидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолари, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолигига кандидатлар, РКП Марказий Комитетининг секретарлари, РСР ҳукуматининг министрлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЧАУШЕСКУ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

24 ноябрь куни Давлат кенгаши саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан суҳбатлашди.

Дўстона, ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат чоғида Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилдилар. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН БУХАРЕСТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 24 ноябрь куни Москвадан Бухарестга жўнаб кетди. У Варшава шартномаси давлатлари сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши ишида қатнашувчи Совет делегацияси составида кенгашда иштирок этади.

Внуково аэродромида А. Н. Косигинни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, М. А. Лесечко, Н. В. Мартинов, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида РСРнинг СССРдаги муваккат ишлар вакили Г. Кольц бор эди. (ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Қадрли Леонид Ильич!

Совет Ўзбекистони днёрнга бугун катта ва нурли байрам келди, юракларимиз чексиз шод-хуррамлик билан тўлиб тошмоқда. Қадрли Леонид Ильич, қалбимиздаги бу завқ-шавқ, жуда катта тўлқинланиш давлатга пахта, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча турдаги бошқа маҳсулотларини сотиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги муносабати билан Сизнинг шонли пахтакорларга, республикамизнинг барча меҳнаткашларига йўллаган қизғин табрикномангиз шарофатидандир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республика пахтакорлари номига Сиз йўллаган табрикномадаги асло унутилмас сўзларни зўр миннатдорчилик, алоҳида шод-хуррамлик туйғуси билан кутиб олдилар. Ана шу сўзларда меҳнатимизга юксак баҳо берилган, ана шу сўзларда пахта даласидаги ҳар бир меҳнаткашнинг, республикамиздаги ҳар бир кишининг энг эзгу орзу-умидлари, интилишлари ўз ифодасини топган. Совет кишилари учун жонажон партиянинг сўзидан кўра азизроқ сўз йўқ.

Биз, республика митингининг иштирокчилари учун, ҳаммамиз учун мана шу тантанали ва унутилмас кунда биз республикадаги барча меҳнаткашларнинг иродаси ва ҳис-туйғуларини ифодалаб, партиямиз ва Совет давлатининг атоқли раҳбарига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг обрўли арбоби, тинчлик учун буюк курашчи Сизга, азиз Леонид Ильичга республикамиз тўғрисида қилаётган оталарча меҳрибонлигингиз ва эътиборингиз учун астойдил, самимий ташаккур изҳор этамиз.

Бутун мамлакат қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ажойиб ғалабалари сингари Ўзбекистон пахтакорларининг эришган муваффақиятлари ҳам партия аграр сиёсатининг ҳаётий кучга эга эканлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Совет ҳукуматининг XXV съезд тарихий қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида собитқадамлик ва изчиллик билан олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижасидир.

Қадрли Леонид Ильич, Совет кишилари коммунистик қурилишдаги муваффақиятларининг ҳаммасини Сизнинг номингиз билан, Сизнинг шахсан кўрсатган ғоят буюк хизматингиз билан ҳақли равишда боғлайдилар. Сиз мамлакатнинг иқтисодий қуч-қудратини мустаҳкамлашга, Ватанимизнинг равнақ топиши, Совет кишиларининг бахт-саодати учун курашга буюк коммунистик идеалларнинг тантанаси учун, бутун дунёда тинчлик учун нақадар кўп куч ва ғайрат сарфлаётганлигингизни совет халқи яхши билади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз халқлари барча қитъалардаги миллион-миллион кишилар, Леонид Ильич, Сиздан астойдил миннатдордирлар ва уларнинг сизга меҳр-муҳаббати чексиздир.

Эришилган муваффақиятлар ҳар бир кишини қувонтиради, руҳлантиради. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Кечагина афсонавийдек туюлган нарса эндиликда бизларнинг режаларимиз бўлиб қолди. Хали олдимизда мураккаб, кенг миқёсдаги улуғвор вазифалар, янги-янги довонлар турибди. Бу марраларга қаҳрамонона меҳнат билангина, фидокорона ва астойдил меҳнат туфайли эришиш мумкин. Қадрли Леонид Ильич, Сизнинг табрикномангизда қишлоқ хўжалиги янада муваффақиятли ривожлантирилади деб, билдирилган ишончни биз жанговар иш программамиз, партиянинг янада яхшироқ, янада баракалироқ ишлаш тўғрисидаги накази деб биламиз. Биз қишлоқ хўжалик йилини намунали якунлаш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг янада оширилишини таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун куч-ғайратимизни аямаймиз ва бунга эришамиз. Биз Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда—1977 йилда янада мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратишни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш тадбирларини актив амалга оширишни ўзимизнинг вазифамиз деб биламиз. Биз Сизнинг табрикномангизга жавобан саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари қабул қилган барча планларни ва мажбуриятларни шараф билан бажарамиз, деб ваъда берамиз, XXV съезд, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажаришда янги муваффақиятларга эришамиз, деб ваъда берамиз.

Қадрли Леонид Ильич, биз Сизга чин кўнглимиздан сиҳат-саломатлик, совет халқининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бахт-саодати йўлида узоқ умр тилаймиз.

Жонажон Коммунистик партиямизни, ленинчи Марказий Комитетни, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, қадрли Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари севикли Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм порлоқ идеалларининг тантанаси йўлида партиянинг улуғвор режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун ўзларининг куч-ғайратларини аямайдилар.

Буюк Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланаверсин ва гуллаб-яшнайверсин!

Яшасин совет халқини коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан олға бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари вакилларининг митингида қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 ноябрь куни Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди.

Соат 15 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

Ҳукумат ложаларида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова**, республика Олий Совети Президиумининг ва ҳукуматининг аъзолари ўтиришибди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова** мажлисни очди. У айтдики, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси республика шонли ғалаба — давлатга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» тошириш юзасидан зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги тўғрисида Партияга, Ватанга рапорт берган ниҳоятда шонли кунда очилянти. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта хирмон учун курашда эришилган бу ғалаба билан Ўзбекистон меҳнаткашларини қизғин ва самимий табриклаганлиги муносабати билан республика меҳнаткашларининг қалби алоҳида шодлик ва ифтихор ҳиссиётлари билан тўлиб тошди.

Республика Олий Совети Раисининг ўринбосарлари депутатлар В. Д. Новоселов, П. Ҳолмуродов, Н. Ҳолматов раис столи ёнида ўтиришибди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар М. Ашрафий, Ҳ. М. Ғафуров, П. Ф. Глазатов, Н. Эсонтурдиевлар хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг доклади юзасидан Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1976 йил 11 апрелда бешинчи Киров сайлов округидан сайланган депутати **Энмарк Шокирович Солиҳов**; 1976 йилнинг 11 апрелида 72-Оққурғон сайлов округидан сайланган депутати **Субҳонқул Орипов**; 1976 йил 11 апрелда 397-Яккатут сайлов округидан сайланган депутати **Малик Каюмов**; 1976 йилнинг 6 июнида 286-Булунғур сайлов округидан сайланган депутати **Эгамберган Хидиров**; 1976 йилнинг 29 августида 94-Марказий сайлов округидан сайланган депутати **Леонид Иванович Греков** ваколатларини таниш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Бу тўғрида Мандат комиссиясининг раиси депутат **Г. К. Ҳайдарова** доклад қилди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. 1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ҳақида.

3. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

4. Ўзбекистон ССРнинг ер ости бойликлари кодекси лойиҳаси тўғрисида.

5. Ўзбекистон ССР Олий Советининг хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясини тузиш тўғрисида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси **Қ. А. Аҳмедов** 1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **В. Муродхўжаевнинг** Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида қилган доклади ҳам тингланди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Ҳ. Умаров** Олий Совет план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг докладини қилди.

Мажлисда сессия кун тартибининг дастлабки учта масаласи юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда депутат **К. П. Дудин** (49-Фарҳод сайлов округи), депутат **Д. Ҳасанов** (150-Булоқбоши сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1976 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИДАГИ ҚОИДАЛАР ВА ХУЛОСАЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидаги қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми партиямиз ва унинг Марказий Комитети, атоқли партия ва давлат арбоби Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро ҳозирги босқичда КПСС ички ва ташқи сиёсатининг етилган вазифаларини ленинча доҳилик ва узоқни кўзлаб ҳал қилаётганлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи — янги беш йиллик планни, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликнинг юмшатилишини кучайтириш, совет халқининг ижодий меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш соҳасида КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишнинг кенг ҳаракат программасидир. Бу нутқ ҳар бир партия ташкилотининг, бутун партиямизнинг фаолияти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг чуқур илмий, ҳар томонлама пухта ишланган ва асосланган планини қизғин маъқуллаб, ўнинчи беш йилликда мамлакат саноатини қишлоқ хўжалигини, экономика ва маданиятнинг барча тармоқларини барқарор ривожлантириш билан бир қаторда Ўзбекистон ССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳам анча ривожлантириш кўзда тутилганлигини зўр миннатдорлик билан таъкидлайдилар.

1976 йилги планлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар республика ишчилари ва колхозчи деҳқонлари, бутун меҳнаткаш зиёлилари партия ташкилотларининг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитетининг халқ фаровонлиги тўғрисидаги гамхўрлигига қонқарет ишлар билан жавоб бераётганликларидан далолат беради. Саноат корхоналари маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик давлат планини муддатидан илгари, 20 ноябрда бажарди. Ой охиригача пландан ташқари қариб 400 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Капитал қурилиш ялдам суръатлар билан олиб борилмоқда, транспорт ташкилотлари, алоқа, коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат корхоналарининг иши анча яхшиланмоқда.

Қишлоқ меҳнаткашлари қардош республикаларнинг деҳқонлари эришган муваффақиятларидан астойдил қувониб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан партия ишлаб чиққан комплекс программани рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Колхоз ва совхозлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, давлатга 5 миллион 300 минг тонна пахта, бир миллион тонна донадан кўпроқ ғалла, 2 миллион 300 минг тонна мевасабзавот маҳсулоти топширдилар. Чорвачилик маҳсулотлари, пилла, канап ва тамаки тайёрлаш юзасидан белгиланган планлар ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Мамлакатнинг саноат марказларига сабзавот, мева ва полиз экинлари юбориш планлари анча ошириб бажарилди.

Партия комитетлари КПСС XXV съезди белгилаб берган ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифасига мувофиқ тарзда республика меҳнаткашлари турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтириш соҳасида изчил ва собитқадамлик билан иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қўлга киритилган натижаларга** ижобий баҳо бериш билан бир қаторда баъзи партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари савияси, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлиги партия XXV съезди талабларига, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган вазифаларга ҳали ҳам тўла даражада жавоб бермаётганлигини уқтириб ўтади. Бир қанча корхоналарда саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ва сифатини янада ошириш соҳасидаги мавжуд резервлардан суст фойдаланилмоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, прогрессив технологияни жорий этиш ва аҳолига манзур бўлган янги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планлари бажарилмаяпти. Қурилиш ташкилотлари ишга тушириладиган объектларда ишларни суст олиб бормоқдалар, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар боғча-яслилари ва даволаш муассасаларини фойдаланишга топшириш планларини бажармаяптилар. План интизомини бузиш, капитал маблағларни кўп объектларга сочиб юбориш, материал-техника ресурсларидан қониқарсиз фойдаланиш ҳолларига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда.

Баъзи область ва район партия комитетлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяптилар. Бир қанча районларда, колхоз ва совхозларда техника тараққиётини жадаллаштиришга, пахта ва бошқа экинларни етиштириш ва ҳосилини йиғиштириб олишнинг барча жараёнларини механизациялашни кучайтиришга, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, агротехникани яхшилашга суст эътибор берилмоқда. Пахта, ғалла, сабзавот ва полиз экинларидан кам ҳосил олаётган хўжаликлар бор. Чорвачилик ҳали ҳам етарли даражада юксак сўраттар билан ривожлантирилмаяпти.

Айрим партия комитетлари белгиланган топшириқлар ва қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш учун кадрларнинг масъулиятини етарли даражада оширмаяптилар. Бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантиришга, иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш учун курашга тегишли таъсир ўтказмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади.

1. КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин ҳамда оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун амалий ишларнинг жанговар программаси деб қабул қилинсин.

2. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, республика министрликлари ва идоралари зиммасига 1976 йилги топшириқларни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришни, 1977 йилги халқ хўжалик планини ва умуман беш йиллик планни сўзсиз бажаришни таъминлайдиган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, Совет ва хўжалик органлари саноат ишлаб чиқариши самарадорлигинч ҳар томонлама оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан фойдаланишга, илғор тажрибани кенгроқ жорий этишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берсинлар. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида 1977 йил ва ўнинчи беш йиллик учун муқобил планлар ва оширилган социалистик мажбуриятлар ишлаб чиқилишига ва амалга оширилишига эришиш зарур.

4. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига капитал маблағлар, меҳнат, материал ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, битказилмаган қурилиш ҳажмини, қурилиш-монтаж ишларининг муддатини ва қийматини камайтириш вазифаси юклансин. Ишга тушириладиган барча объектлар, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва даволаш муассасаларининг белгиланган муддатларда ҳамда юқори сифат билан фойдаланишга топширилиши таъминлансин.

5. Партия ва совет органлари совет халқининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан партия ишлаб чиқиқан программани изчиллик билан рўёбга чиқаришга бундан буён ҳам катта эътибор беришлари лозим. Саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, уларнинг турларини кўпайтириш, шунингдек сифатини яхшилаш, коммунал ва маиший хизматни кенгайтириш, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, маданият муассасалари, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш зарур.

6. Область ва район партия комитетлари, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари деҳқонларнинг 1976 йилда эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, янада кўпайтиришлари, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантиришга доимо эътибор беришлари, деҳқончилик маданиятини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорацияни яхшилаш, химиялаштиришни кенг жорий этиш юзасидан таъсирчан чораларни амалга оширишлари лозим. Қишлоқда инженерлик-техника хизматини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида комплекс механизациялаш ишини ниҳоясига етказишга алоҳида эътибор бериш керак.

1980 йилда давлатга камида 6 миллион тонна пахта топширишни таъминлаш ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа турдаги маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтириш ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон партия ташкилотининг асосий вазифаси, республика қишлоқ хўжалиги барча ходимлари ва меҳаткашларининг интернационал бурчи бўлиб қолади.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг диққат-эътиборини ўтказилаётган тадқиқотлар ва ечимлар савиясини оширишга, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга жалб этади. Олимлар, конструкторлар ва лойиҳачилар ўз диққат-эътиборларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ва маҳсулот сифатини яхшилашга қўмаклашувчи энг муҳим ва амалий проблемаларни ҳал этишга қаратишлари лозим.

8. План ва молия органларининг ролини бундан бўён ҳам ошириб, уларнинг куч-ғайратини план ва молия интизомига қатъий риоя қилишни таъминлашга, беш йиллик планда белгиланган топшириқларни бажарибгина қолмай, анча ошириб ado этишни ҳам таъминлаш учун барча мавжуд материал, пул ва меҳнат ресурсларини ўз вақтида аниқлаб, улардан фойдаланишга қаратиш зарур.

9 Партия комитетларига ва бошланғич партия ташкилотларига, идеология муассасаларига пропаганда, агитация ва ахборотнинг барча форма ҳамда воситаларидан кенг фойдаланиш, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг материалларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқини ўрганиш ва тушунтириш юзасидан доимий иш олиб бориш топширилсин.

Матбуот, радио ва телевидение кундалик ишларимизнинг улуғворлигини ёркин, ҳар томонлама ва оммабоп тарзда кўрсатиб бериши, омманинг ижодий ташаббускорлигини актив қўллаб-қувватлаши, резервларни аниқлашга ва улардан яхшироқ фойдаланишга, камчиликлар ва қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиши лозим.

10. Область, шаҳар ва район партия комитетлари ўзларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларини меҳнат коллективларида коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга, бошланғич, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг жанговарлигини оширишга, кадрларни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга қаратишлари, давлат планлари ва белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминламаётган ходимларга нисбатан қаттиқ талабчан бўлишлари лозим.

Партия комитетлари совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ва халқ контроли органларининг фаолиятини бундан буён ҳам яхшилашлари, уларнинг диққат-эътиборини социалистик мусобақани ва новаторлик ҳаракатини кенг ривожлантиришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, материал ва молия ресурсларини иқтисод қилиш ва тежаш учун курашга қаратишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетини, Сиёсий бюро ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни республика коммунистлари, меҳнаткашлари партия режаларини амалга ошириш учун бутун куч, билим ва ғайратларини сарфлайдилар, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, деб ишонтиради.

ВАТАН ЯНГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИГА ЧОРЛАЯПТИ!

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ МИТИНГИ

24 ноябрь куни Тошкентдаги Санъат саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз пахтакорларига йўллаган табрикномаси олинганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Митинг Президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, номи бутун мамлакатга машҳур атоқли пахтакорлар ва механизаторлар ўтирибдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида митинг фахрий президиумига сайланади.

Республика Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев митингни очади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидов минбарга чиқади.



Тошкент. 24 ноябрь. Санъат саройи. Л. Гусеинов фотоси.

Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!
Азиз дўстлар!

Қадимий, Улуғ Октябрь туфайли яшарган ва нурафшон бўлган Ўзбекистон диёрига катта ва шодиёна байрам келди.

Замонамизнинг атоқли арбоби, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун қормас-толмас курашчи, бизларнинг ҳаммамиз учун энг яқин ва азиз инсон — партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан республика пахтакорлари, барча меҳнаткашлари номига табрикнома олинди.

Ана шу мактуб текстини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз. **(Ш. Р. Рашидов Л. И. Брежнев табрикномасини ўқиб эшиттиради. Залда гулдурос, узоқ давом этган қарсаклар авж олади).**

Ўртоқлар, кўриб турибсизки, КПСС Марказий Комитети, шахсан Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистоннинг машҳур пахтакорлари қилган қаҳрамонона меҳнатига ғоят юксак баҳо бердилар.

Табрикноманинг илҳомбахш сўзлари совет Ўзбекистонидаги ҳар бир меҳнаткашнинг ақли ва юрагидан жой олиб, буюк социалистик Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва гуллаб-яшнаши йўлида ҳаммага янги мадад ва меҳнатда янги куч-ғайрат бағишлайди.

Бизлар ҳаммамиз зўр диққат-эътибор ва завқ-шавқ билан тинглаган бу асло унутилмас ва илҳомбахш ҳужжатнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида оталарча ғамхўрлик билан, халқимизнинг ижодий куч-ғайратлари битмас-туганмаслигига ишонч билан суғорилгандир.

Беш миллион 300 минг тонна пахта учун олиб борилган қаттиқ кураш оғир кураш бўлди, лекин бу оғир ва ғоят қийин кураш ажойиб ғалаба билан якунланди. Улкан пахта хирмони учун курашда ғолиб чиқилди, шу билан бирга об-ҳаво ғоят ноқулай келган шароитларда ғолиб чиқилди. Кўнгилдаги тўхтовсиз ёққан жала, ёмғир, ёзги жазирама ва гармсел ҳосилни йиғиштириб олиш палласида мисли кўрилмаган даражада кўп ёққан ёмғир ва қор ҳосилни етиштиришда ва пахтани йиғиштириб олишда ғоят кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди. Аммо деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, уларнинг тажрибаси ва миришкорлиги туфайли, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона раҳбарлиги туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ёрдами ва эътибори туфайли қийинчиликлар енгилди ва Ватанга рекорд даражада кўп «оқ олтин» етказиб берилди.

Пахта етиштиришни кескин даражада кўпайтириш билан бирга республикадаги ғаллакорлар, шоликорлар, маккажўхорикорлар, сабзаводчилар, боғбонлар, чорвадорлар ва пиллачилар, лубкорлар мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдилар.

Республика саноати ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарди ва планга қўшимча равишда қариб 400 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Қурувчилар, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат ходимлари анча яхшироқ ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Пойтахт Тошкент областининг пахтакорлари техника тараққиётини моҳирлик билан жорий этиш туфайли катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини биринчи бўлиб бажардилар. Андижон, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг пахтакорлари жуда соз меҳнат қилдилар. Улар ҳам олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Сирдарё, Фарғона, Бухоро, Наманган ва Хоразм областлари, республикамизнинг барча районлари, колхозлари ва совхозлари оғир об-ҳаво шароитларида улкан пахта хирмони учун курашга ўз куч ва имкониятларига яраша ҳиссаларини қўшдилар.

Ўз «энгори кема»ларининг бункерларидан бу йил хирмонга икки миллион 900 минг тонна пахта тўккан механизаторлар — ғвардиячиларимиз алоҳида ташаккур ва таҳсинга сазовордир.

Олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, сув хўжалиги ходимлари, химиклар, машинасозлар, авиаторлар, автомобилчилар ва тайёрлов органларининг ходимлари эришилган муваффақиятларга жуда катта бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Шонли ёшлар — мактабларнинг, техникумларнинг, ҳунар-техника мактабларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг студентлари ҳосилни йиғиштириб олишда катта ёрдам бердилар. Ватанпарварлик ҳиссиётуйғуси билан тўлиб тошган ёшларимиз бу йилги қийин шароитларда пахта далаларида фидокорона меҳнат қилдилар. Шаҳарликлар, район марказларининг ва посёлкаларнинг аҳолиси пахтани йиғиб-териб олишда фаол қатнашдилар. Хуллас, Ўртоқлар пахта учун кураш чиндан умумхалқ кураши бўлди.

Мана шу тантанали кунда, мана шу юксак минбардан туриб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан эришилган ғалаба билан Ўзбекистон пахтакорларини, барча меҳнаткашларини қизғин, самимий табриклашга, пахта мўл ҳосили учун қаҳрамонона жангда қатнашган кишиларнинг ҳаммасига катта ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Партия ташкилоти, бизлар ҳаммамиз партиямиз Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг эътибори ва мададини ҳамиша сезиб турдик. Биз буюк Ватанимизнинг барча халқларига, даставвал улуғ рус халқига қардошлик ёрдами учун астойдил миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон пахтакорлари билан анъанавий мусобақа — мўл ҳосил етиштиришда катта мадад бўлди, бунинг учун биз улардан самимий миннатдормиз.

Ўртоқлар, кўриб турибсизки, муваффақиятлар кўзга яққол ташланиб турибди. Лекин сафларимизда заррача бегамлик, хотиржамлик, хусусан кибр-ҳаволанинг кетиш бўлмаслиги керак. Ҳар бир область, шаҳар, район, ҳар бир меҳнат коллективи катта-катта резервлар ва имкониятларга эгаки, буларни қидириб топиш ва ишга тушириш зарур.

Бу яна шунинг учун муҳимки, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми янада юксакроқ марраларни белгилаб берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг эндигина ўз ишини тугатган пленуми КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини маъқуллади ва ана шу пленум қарорларини амалга ошириш соҳасида партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Олий Советнинг сессияси эса 1977 йилги ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини тасдиқлади. Бу планлар — улуғвор ва улкан планлардир. Бу планлар асосий мақсади — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш негизида совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтириш мақсадини ҳал этишга қаратилгандир.

Ана шу планларнинг бажарилиши бошқарув органларининг барча бўғинларида конкрет, аниқ ва пухта ишлашни, омма орасида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтиришни, мукобил планларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ойлик, квартал ва йиллик планларни муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, барча меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатини янада авж олдиришни талаб қилади.

Партия ташкилоти партиямизнинг ғамхўрлигига, КПСС Марказий Комитети ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг берган юксак баҳосига жавобан янги, янада юксакроқ марраларга эришиш учун ўзининг бутун кучлари, ҳоҳиш-иродаси ва ғайратини сафарбар қилиши керак.

Саноат соҳасида меҳнат унумдорлигини, ҳар бир министрлик, идора, ҳар бир корхона ишининг самарадорлиги ва сифатини тўхтовсиз ошириш зарур.

Қурилишдаги асосий вазифа — бу капитал маблағларни ўзлаштиришдан ва ишлаб чиқариш объектларини ҳам, маданий ва маиший муассасаларни ҳам ўз вақтида ишга туширишдан иборатдир.

Ҳозир бутун куч-ғайратни пахта ҳосилини сира нобуд қилмасдан, охирги кўрагачча йиғиштириб олишга, келгуси йилда пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида шудгорлашни, далаларга яхоб суви беришни авж олдириб юборишга қаратиш зарур. Чорва қишлови уюшқоқлик билан, нобудгарчиликка сира йўл қўймасдан ўтказилиши учун сира кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни кўриш зарур.

Азиз ўртоқлар, сизларнинг номингиздан, республикадаги барча меҳнаткашлар номидан ленинчи Марказий Комитетни, унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб, республика партия ташкилоти, шаҳар ва қишлоқларнинг барча меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ва ўнинчи беш йилликнинг улуғвор планларини амалга ошириш учун ўзларининг куч-ғайратларини аямайдилар, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** сўзга чиқади.

Республика пахтакорлари, деди у, жуда улкан ғалабага эришдилар — улар Ватанга беш миллион 300 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, социалистик мажбуриятларни бажардилар. Қишлоқ меҳнат аҳлининг эришган катта ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг йўллаган самимий табрикномаси ўзбек пахтакорларининг муваффақиятларига юксак баҳо берилганлиги учун қалбимизни чексиз ифтихор туйғуси билан тўлдиради. Биз Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга оталарча самимий эътибори учун ташаккуримизни, миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Бу оталарча эътибор бизни янги-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради.

Эришилган ғалаба — бу колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, ирригаторларнинг, саноат корхоналари меҳнатчиларининг фидокорона ва қаҳрамонона меҳнати натижаси, партия совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилий ва сиёсий ишларнинг самарасидир. Бу ғалаба партиямиз аграр сиёсатининг ҳаётий кучини яққол тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон АССР, Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» шоликорлик совхозининг директори **А. Отамуродов** сўз олади.

Мен, дейди у, Автоном республика меҳнатчилари номидан Ўзбекистоннинг барча деҳқонларини қўлга киритилган катта ғалаба билан қизғин табриклаш ва муборакбод этиш ҳамда ҳаммамиз учун азиз Леонид Ильич Брежневдан олинган табрикнома шодхуррамлигини баҳам кўришдек катта бахтга мушарраф бўлдим. Хўжалигимиз шоликорлари табиат инжиқликларини енгиб, астойдил меҳнат қилиш туфайли мўл ҳосил етиштиришдар ва уни ўз вақтида йиғиштириб олдилар. 27 минг тоннадан зиёд шоли етиштирилди, шу ҳосилнинг 25 минг тоннаси давлатга сотилди. Бу пландагидан 7 минг тонна ортиқ.

Совхозимиз ходимлари Автоном республиканинг барча меҳнаткашлари сингари Леонид Ильич Брежневнинг табрикномасидаги қизғин сўзларга жавобан беш йиллиқнинг иккинчи йили ва беш йиллик учун белгиланган планларни бажаришда янги муваффақиятларга эришиш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси **Ҳ. Турсунов** сўз олади. Ҳозирги ғалаба, — деди у, — республика пахтакорларининг қаҳрамонона куч-ғайрати туфайли қўлга киритилди. Қишлоқ меҳнат аҳли Коммунистик партиясининг, партия ленинчи Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрлигини ҳамиша сезиб турибди.

Андижонлик деҳқонларнинг республика хирмонига қўшган ҳиссаси жуда каттадир. Колхозимиз меҳнаткашлари ҳам бу ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар. 220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг бошқа барча турларини етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятлари ҳам бажарилди.

Тошкент трактор заводининг созловчиси **А. И. Юхненко** сўзга чиқади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг табрикномасидаги сўзлар биз, тракторсозларга ҳам қаратилгандир, дейди у. Биз ишлаб чиқараётган техника Жиззах ва Қарши даштларини ўзлаштиришга ёрдам бермоқда, бу техника республикадаги барча пахта далаларида ишлаяпти. Шуни қувонч билан айтаманки, завод коллективи ўн ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Қишлоққа 19860 та трактор етказиб берилди, шундан 675 таси мукобил план ҳисобига етказиб берилди. Биз, шунингдек 30 мингдан знёдроқ прицеп, 3 миллион 325 минг сўмлик запас қисмлар ҳам тайёрлаб бердик.

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг 4-курс студенти **Ҳ. Нурматов** сўз олади. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студентлари республиканинг барча ёшлари сингари Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун умумхалқ курашида қатнашишдек катта бахтга мушарраф бўлганликлари билан фахрланадилар, деди у.

Бу йил институтнинг тажриба хўжалигида биринчи марта студентлардан иборат механизациялаштирилган отряд тузилди. Олий ўқув юртининг талабаларидан 65 киши «энгори кема» штурвалларини бошқарди.

Барча студентлар партиямиз ленинчи Марказий Комитетига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросига ёшлар тўғрисида, уларнинг ўқиш, коммунизм қуришдан иборат бахт-саодати тўғрисида оталарча қилинаётган ғамхўрлиги учун қизғин ва самимий миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Биз, ёшлар бу ғамхўрликка аъло ва яхши ўқиш билан жавоб қайтарамиз.

КПСС Марказий Комитети номига гулдурос, давомли қарсаклар остида табрикнома қабул қилинади. Митинг иштирокчилари республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, шахсан Ўртоқ Леонид Ильич Брежневни КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини бағишлайдилар, деб ишонтирадилар.

(ЎзТАГ).

КПСС БИЛАН РКП, СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН РУМИНИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

БАЁНОТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Николае Чаушескунинг таклифига биноан 1976 йил 22 ноябрдан 24 ноябргача дўстлик визити билан Руминия Социалистик Республикасида меҳмон бўлди.

Визит давомида Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлди, бу музокаралар саминий дўстлик ва астойдил ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Музокараларда:

— Совет томонидан: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСРдаги элчиси В. И. Дрозденко;

— Руминия томонидан: РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, ҳукумат Бош министри Маня Мэнеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Штефан Войтек, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Илие Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Штефан Андрей, РКП Марказий Комитетининг секретари Аурел Дума, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри Жорже Маковеску, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг ёрдамчиси Мирча Малица, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг ёрдамчиси Василе Пунган, РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РКП Бош секретарининг ёрдамчиси Константин Митя, РКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, РСРнинг СССРдаги элчиси Георге Бадрус қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва у билан бирга келган кишилар РСРда бўлган вақтларида Бухарест меҳнаткашлари билан, партия ва давлат ходимлари билан учрашдилар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг яққол намойишига айланган совет—румин дўстлиги митингида қатнашдилар.

Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонлар ҳамма жойда қизғин, саминий кутиб олинганлиги совет ва румин халқларининг дўстлик ҳамда бирдамлик туйғулари ифодаси бўлди.

* * *

Музокаралар вақтида томонлар ўз мамлакатларидаги социалистик ва коммунистик қурилиш тўғрисида, КПСС XXV съезди ва РКП XI съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. КПСС билан РКП ўртасидаги, СССР билан РСР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқдилар, жаҳон сиёсатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг актуал проблемалари хусусида фикрлашиб олдилар.

Румин томони Совет Иттифоқи халқларининг раҳбарлигида халқ хўжалиги, фан ва техникани ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини юксалтириш ва эришган муваффақиятларига юқори баҳо берди. Совет Иттифоқининг коммунизм қурилишидаги ютуқлари, унинг халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги кураши тинчлик, социализм ва тараққиёт кучларини мустаҳкамлашга, ижтимоий тузуми қандайлигидан қатъий назар, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга кўшилган муҳим ҳиссадир. КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларнинг амалга оширилиши совет жамиятининг коммунизм сари силжишида илҳомбахш истиқболларни очиб берди.

Совет томони румин халқининг РКП раҳбарлигида социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда эришган муваффақиятларини юқори баҳолади. Руминия Социалистик Республикасининг ҳар тарафлама ривожланган социалистик жамият қуришдаги ютуқлари, унинг халқаро миқёсдаги фаолияти социализм ва тинчлик ишини олға силжитишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Ҳозирги вақтда румин халқи РКП XI съезди ишлаб чиққан программани амалга ошира бориб, ўз ватанининг коммунистик келажагини бунёд этмоқда.

Томонлар шуни мамнуният билан қайд этдиларки, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1970 йил 7 июль шартномаси негизида, тенг ҳуқуқлилик, мустақиллик, суверенитет, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ўртоқларча ўзаро ёрдам принципларини қаттиқ ҳурмат қилиш шароитида ривожланиб келаётган Совет—Руминия ҳамкорлиги тобора кўп қиррали характер касб этмоқда.

Совет — Руминия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Коммунистик партияси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва бирдамлик алоқаларини мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан РКП Бош секретарининг учрашувлари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Иккала партия Марказий Комитетлари вакилларининг мунтазам алоқалари, бир-бирларига партия делегацияларини юбориб туриш, маҳаллий партия ташкилотлари ўртасидаги алоқалар — шуларнинг ҳаммаси ҳамма соҳалардаги Совет—Руминия ўзаро алоқаларини доимо чуқурлаштиришга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

КПСС билан РКП ўзларининг ўртоқларча ҳамкорлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми, тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга, совет ва румин халқларининг СССР ва РСР туб миллий манфаатларига, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм манфаатларига мос бўлиб тушадиган қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга азми қарор берганлар. Иккала партия социализм ва коммунизм қурилишидаги тажрибани баҳам кўриши, идеология соҳасидаги ҳамкорликни, марказий ва маҳаллий партия органлари, шунингдек касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда бошқа оммавий ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ўзаро визитларини кенгайтирадилар.

КПСС билан РКП иккала мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини янада юқори поғонага кўтаришга катта аҳамият бериб, позицияларни келишиб олиш мақсадида Совет —Руминия муносабатларининг энг муҳим масалалари ҳамда иккала томонни қизиқтарувчи халқаро проблемалар юзасидан ахборот айирбошлаш, ва маслаҳатлашувлар ўтказиш практикасини кенгайтириш, СССР Олий Совети билан Руминия Буюк Миллат Мажлиси ўртасидаги, министрликлар ва идоралар ўртасидаги, областлар, уезднар, шаҳарлар, корхоналар ва меҳнаткашлар коллективлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқиш вақтида иккала партия раҳбарлари Совет—Руминия товар оборотининг ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлигини қайд этдилар. Ишлаб чиқариш кооперацияси, иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдаги ва табиий ресурслардан фойдаланишдаги ҳамкорлик ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ривожланиб бормоқда.

Иккала мамлакатнинг тегишли органлари 1976—1980 йилларга мўлжаллан-ган беш йиллик савдо битими бажарилишини таъминлайдилар ва ошириб бажаришга интиладилар, 1980 йилдан кейинги давр учун иқтисодий ҳамкорликнинг перспектив программасини ишлаб чиқишга киришиб, шу тарифа бу ҳамкорликни анча кенгайтиришни, ишлаб чиқариш кооперацияси ва ихтисослаштиришни жадал ривожлантиришни, иқтисодий алоқаларнинг умумий ҳажмида ўзларининг улушларини оширишни таъминлайдилар, деб аҳдлашилди.

Совет Иттифоқи билан Руминия фан ва техниканинг халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган илғор тармоқларидаги самарали ҳамкорликни ривожлантираверадилар.

Иккала томон ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан биргаликда комплекс программа қоидалари, шуйингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бир қанча энг асосий соҳалари юзасидан ишлаб чиқилаётган узоқ муддатли тармоқ программалари бажарилишига бундан буён ҳам кўмаклашишга аҳд қилганликларини изҳор этдилар.

Томонлар маориф, маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидлаб, маданият муассасалари, ижодий союзлар, нашриётлар ўртасидаги, фан, маданият ва санъат арбоблари, бадиий коллективлар, журналистлар ўртасидаги, шунингдек туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорлик ва алоқаларни кенгайтириш зарурлигини айтдилар. Оммавий ахборот воситалари совет ва румин халқларининг коммунистик ва социалистик қурилишдаги ютуқларини ўзаро ҳар томонлама ёритишни кенгайтиради, бу эса совет—румин дўстлигинг янада чуқурлаштиришга ёрдам беради, деб шартлашиб олинди. Маданий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланадиган Совет—Руминия аралаш ҳукумат комиссиясини тузиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

* * *

Халқаро масалалар хусусида фикрлашиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан РКП Бош секретари шуни мамнуният билан таъкидладиларки, социалистик мамлакатларнинг қудрати ошганлиги, уларнинг халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги актив фаолияти, уларнинг халқаро турмушда тобора катта роль ўйнаётган ривожланаётган мамлакатлар билан, қўшилмаган давлатлар билан, барча демократик, тараққиёпарвар, антиимпериалистик кучлар билан ҳамкорлиги туфайли жаҳон майдонида каттагина ижобий силжишларга эришишга муваффақ бўлинди. Халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш ҳамда ҳозирги замонда инсоният дуч келаётган проблемаларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўли, ижтимоий тузумларидан қатъий назар давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари тобора кўпроқ карор топмоқда.

Иккала раҳбар Европадаги ҳозирги вазиятга ҳамда тинчлик, ҳавфсизлик ва ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор бердилар. Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар 1966 йилда Бухарестда давлатларнинг Умумевропа кенгашини чақириш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Шу кенгашнинг ўтказилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди, Европа қитъасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришнинг қўшимча имкониятларини очди. Совет Иттифоқи билан Руминия яхлит бир ҳужжат бўлмиш якунловчи актни имзолаган ҳамма давлатлар унда баён этилган принциплар ва аҳдномаларни муттасил амалга оширишлари зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга улар сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатишни Европада ҳарбий қарама-қаршилик хавфини камайтириш ва қуролсизланишга доир конкрет тадбирлар билан тўлдириш ва мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидладилар.

Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Белградда 1977 йилда ўтказиладиган учрашуви давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий тажрибаси асосида ячуновчи актни амалга ошириш мақсадида Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги бундан буён сарфланадиган куч-ғайратлар тўғрисидаги фикрлашувни кўп томонлама асосда давом эттириш имконини беради.

Иккала партиянинг раҳбарлари ҳали дунёда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таҳлика остида қолдириши мумкин бўлган реакцион империалистик кучлар иш кўраётганлигини ҳисобга олиб, барча тараққиёпарвар кучларни бирлаштириш ҳамда халқларнинг кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик йўлини мустаҳкамлаш учун, империалистик, эски ва янги мустамлакачилик сиёсатини тугатиш учун, кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик йўли муқаррар тус олиши учун қурашини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. СССР билан РСР ўз томонидан Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, ҳар бир халқнинг ўз социал-иқтисодий ривожланиш йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқи учун бундан буён ҳам курашаверадилар.

Совет Иттифоқи ва Руминиянинг бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлашнинг, улар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Суверен ва тенг ҳуқуқли социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни интернационал бирдамлик принциплари асосида доимо такомиллаштириш, янги типдаги халқаро муносабатларни шакллантириш — тобора кўпчилик халқлар янги социал тузум қуриш тарафдори бўлиб чиқаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи билан Руминиянинг ривожланаётган ва қўшилмаган мамлакатлар билан, шунингдек социал тузумидаги тафовутдан қатъий назар дунёдаги ҳамма давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат ниятини очди. Совет Иттифоқи билан Руминия яхлит бир ҳужжат бўлмиш якунловчи актни имзолаган ҳамма давлатлар унда баён этилган принциплар ва аҳдномаларни муттасил амалга оширишлари зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга улар сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш ва

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Депутат Қ. А. АҲМЕДОВ докладининг охири

(Боши учинчи бетда).

Қора металлургияда ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баравар ортади. Пўлат ишлаб чиқариш 2,9 баравар, эмалланган пўлат идиш-асбоблари ва темир-терсакни қайта ишлаш 1,5 баравар кўпаяди. Ўзбекистон металлургия заводининг қувватини анча кенгайтириш планлаштирилади.

Ўнинчи беш йилликда **рангли металлургия маҳсулоти** 20 процент ортади. Металл рух, вольфрам, молибден, иккиламчи алюминий ишлаб чиқариш кўпаяди; қимматбаҳо металлар қазиб чиқариш ортади.

Аввалги беш йилликдагидек шу беш йилликда ҳам **химия саноати** ғоят тез суръатлар билан ривожланади. 1980 йилда саноатнинг шу соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 1975 йилдагига нисбатан икки баравар кўпаяди ва бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Синтетик смола ва пластмассалар ишлаб чиқариш 6,2 баравар, олтингугурт кислотаси икки баравардан зиёд, химиявий тола икки ярим баравар кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун минерал ўғит ишлаб чиқариш 46 процент кўпаяди ва қарийб 9 миллион тоннага етади. Фарғонадаги азотли ўғит заводида Ўрта Осиёда биринчи марта концентрациялашган — мураккаб ўғит ва аммиак ишлаб чиқаришни ташкил этиш мўлжалланади.

Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб **машинасозлик** саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 61 процент ортади.

Куч трансформаторлари ишлаб чиқариш 2,1 баравар, компрессорлар 2 баравар, паст вольтли аппаратлар 1,5 баравар, қишлоқ хўжалик машиналари 45 процент, маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари 1,7 баравар ва шу жумладан рўзғор холодильниклари ишлаб чиқариш 2,3 баравар кўпаяди.

Тошкент трактор заводида «МТЗ-80Х» маркали тракторлар ишлаб чиқарила бошлайди. 1980 йилга бориб ҳар йили 5 минга «МТЗ-80Х» трактори тайёрлаб берилади. «Ташсельмаш» заводи ингичка толали пахта навларини териб оладиган машиналарни ишлаб чиқаришга киришади ва «МТЗ-80Х» тракторларига тиркаладиган машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтиради. «Союзхлопкомаш» ва «Ўзбектекстильмаш» бирлашмалари корхоналарида пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун мукаммал машиналар ишлаб чиқариш мўлжалланди.

Ўрмон, ёғочсозлик ва мебель саноати янада ривожлантирилади. Ёғоч тайёрлаш ва ташиш ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 1,4 баравар ортади, дурадгорлик маҳсулотлари 1,5 баравар, паркет тахта 2,6 баравар, соябонлар 2,5 баравар кўп ишлаб чиқарилади. Мебель ишлаб чиқаришни 1,7 баравар кўпайтириш мўлжалланди.

Бинокорлик материаллари саноати олдига капитал қурилишнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш вазифаси қўйилди. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни 1,4 баравар кўпайтириш планлаштирилди. Цемент ва оҳак 1,8 баравар, томга ёпиладиган ҳўмлоқ материаллар 2,1 баравар, деворбоп материаллар 1,3 баравар кўп ишлаб чиқарилади.

Геология-разведка ишлари план лойиҳасида республиканинг минерал-хом ашё базасини анча кенгайтириш кўзда тутилган.

Планда **енгил саноатни** тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан тез суръатлар билан ўстириш кўзда тутилган. Республика Енгил саноат министрлиги корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 47 процентдан ошиб кўпайтириш мўлжалланди. Ип-газлама ишлаб чиқариш 1,7 баравар ошади ва 314 миллион квадрат метрга етади, шойи газлама ишлаб чиқариш қарийб 1,4 баравар кўпайиб, 126 миллион квадрат метрдан ҳам ошиб кетади, газлама типидаги нотўқима материаллар 2,7 баравар, ички трикотаж 1,5 баравар, устки трикотаж 1,6, кийимкечак қарийб 1,5, чинни идишлар 2,1 баравардан зиёд кўпаяди.

1980 йилда тайёрланадиган пахта толаси 1,8 миллион тоннадан ошиб кетади.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотининг умумий ҳажмини 34,5 процент кўпайтириш мўлжалланди. Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 26,5 процент, маргарин маҳсулоти 53 процент, мева-сабзавот консерва-лари 55 процент, давлат ресурслари ҳом ашёсидан гўшт тайёрлаш 31,6 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 36,8 процент ортади. Ҳовуз ва кўлларда балиқ овлаш 58 процент кўпайтирилади.

Парҳез овқат ва болалар овқати тайёрланадиган юқори сифатли ва хилма-хил маҳсулотларни, мева сабзавот шарбати, минерал сув ва пиво ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўнинчи беш йилликда **маҳаллий саноат** корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Бу соҳада маҳсулотнинг умумий ҳажми 1,7 баравар ортади. Ғилам ва пояндозлар қарийб 19 баравар, мебель 12 баравар кўпайтирилади.

Ўнинчи беш йилликда саноат ишлаб чиқаришини юксалтириш юзасидан белгиланган суръатларга эришишни таъминлаш мақсадида 130 тадан зиёд йирик корхоналарни қуриш, ишлаб турган завод ва фабрикаларнинг кўпини реконструкция қилиш ва кенгайтириш кўзда тутилади.

2,6 миллион киловаттга яқин энергетика қувватлари, шу жумладан Сирдарё ГРЭСида 1,5 миллион киловатт қувватли агрегат, шунингдек Навоий ГРЭСи, Фарғона иссиқлик электр станцияси, Хўжакент ва Ғазалкент ГЭСларида янги агрегатлар ишга туширилади.

Олтин чиқариладиган янги корхоналарни ишга туширишни планлаштирилади. Фарғонадаги азотли ўғит заводида мамлакатда энг йирик деб ҳисобланган целлюлоза ацетатларини ишлаб чиқарувчи цех қуриб битказилади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатини кенгайтириш, «Электрохимпром» Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам тайёрловчи қувватларни ишга туширш, Жиззахдаги пластмасса заводининг биринчи навбатини қуриб тамомлаш, Наманган-даги химия заводини ва шу соҳадаги бошқа бир қанча заводларни техника билан қайта қуроллантиришни давом эттириш кўзда тутилади.

«Ташсельмаш» заводида биринчи навбатдаги реконструкция ишлари тамомланади ва иккинчи навбатдаги реконструкция ишлари бошлаб юборилади. 1980 йилга бориб бу заводда йилига 12 мингта пахта териш машинаси ишлаб чиқарадиган қувватларни вужудга келтириш планлаштирилади.

Янги машинасозлик заводлари, шу жумладан Самарқандда кондиционер заводи, Наманган областининг Олмос посёлкасида пахта тозалаш машина-ускуналари учун запас қисмлар ва Қарши шаҳрида газ тозаловчи ускуналар тайёрловчи заводлар қурила бошлайди.

Беш йиллик план лойиҳасида халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқарувчи бир қанча йирик корхоналарни, шу жумладан Хива ва Жиззахда ғилам комбинатлари, Қувасойда чинни идиш заводи, Андижон ва Нукусда ип ғазлама комбинатларини, Жиззахда ип йигириш фабрикасини, кўлгина бошқа объектларни қуриш мўлжалланади. Шу соҳаларда ишлаб турган кўп корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ишлари давом эттирилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан партия XXV съезди ишлаб чиққан комплекс программани амалга ошириш — ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўнинчи беш йилликда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 22 процент кўпаяди.

Республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик ўтган йиллардагидек бундан буён ҳам муттасил ривожланиб боради. 1980 йилда етиштириладиган пахта 5,8 миллион тонна ҳажмида планлаштирилади. Бу — 1975 йилдагидан 800 минг тонна ёки 16 процент ортиқдир. Бу ўсишнинг учдан икки қисмига пахтачиликни интенсивлаштириш йўли билан ва учдан бир қисмигагина экин майдонларини кенгайтириш йўли билан эришилади.

Ўнинчи беш йилликда Қарши даштларида ингичка толали пахта етиштириладиган янги йирик район вужудга келтирилади, Сурхондарё ва Бухоро областларида ингичка толали пахта майдонлари кенгайтирилади. 1980 йилга бориб Ўзбекистон мамлакатимизнинг пахтакор республикалари орасида ана шу жуда қимматли хом ашёни етиштирувчи энг йирик район бўлиб қолади.

Ўнинчи беш йилликда пахтачиликни янада интенсивлаштириш мақсадида илмий жиҳатдан асослаб берилган пахта-беда алмашлаб экишни батамом ўзлаштириш мўлжалланади.

Пахтачиликда прогрессив технология ва янги техника кенг қўламда жорий этилади. 1980 йилга бориб 4 миллион тонна ёки ялпи ҳосилнинг 70 проценти машиналарда териб олинади.

Пахтачилик билан бир қаторда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган саноат хом ашёсининг пилла, каноп пояси, жун, қорақўл тери каби энг қимматли турларини тайёрлаш ва харид қилишни янада ўстириш мўлжалланди.

Деҳқончиликнинг **озиқ-овқат** маҳсулотларини етиштирувчи тармоқларида ишлаб чиқаришни ғоят тез суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланди. Шу беш йилликда ялпи шоли ҳосили 1,6 баравар ортиб, 460 минг тоннага етказилади, маккажўхори етиштириш 56 процент кўпайиб, 788 минг тоннани ташкил этади.

План лойиҳасида чорвачиликни ривожлантиришнинг юксак суръатлари кўзда тутилган. Шу мақсадда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ургочи мол ва паррандаларни, чорва мол маҳсулдорлигини кўпайтириш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилади.

Беш йилликда гўшт етиштириш 25 процент, сут етиштириш 31 процент ва тухум тайёрлаш 45 процент кўпайтирилади; жун ва қорақўл тери тайёрлаш ҳам анча ортади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорларига тўла мувофиқ, план 1980 йилда давлат йўли билан харид қилишнинг қуйидаги ҳажмларини кўзда тутади: 750 минг тонна дон, шу жумладан 355 минг тонна шоли, 2 миллион тоннага яқин картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 580 минг тонна мева ва узум, 725 минг тонна сут, 260 минг тонна гўшт, 900 миллион дона тухум, 2 миллион 600 минг дона қорақўл тери, 26 минг тонна пилла харид қилинади.

Ўнинчи беш йилликда 492 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади ва суғорилади, 500 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 300 минг гектар ер яхши текисланади, 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилади.

Мирзачўлдаги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги ишларни тугаллаш кўзда тутилади, Қарши ва Жиззах даштларидаги, Сурхон — Шеробод водийси ҳамда Амударё этакларидаги йирик қўриқ ер массивларини ўзлаштириш ва суғориш ишлари кучайтириб юборилади.

Колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парки анча тўлатилади ва янгиланади. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 89 мингдан зиёд трактор, 35,2 минг юк автомобили ва пахта терадиган 44 мингдан ортиқ ҳар хил машина-механизм, 4,5 мингга яқин дон комбайни ва кўп миқдорда бошқа техникани оладилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш янада ривожлантирилади. 1976—1980 йилларда колхоз ва совхозларга 22 миллион тоннага яқин (стандарт ўғит ҳисобида) ёки тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 3,3 миллион тонна кўп минерал ўғит етказиб берилади.

Ўнинчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликни тобора интенсивлаштириш соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, техника тараққиёти ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш — меҳнат унумдорлигини 1971—1975 йиллардаги ўртача йиллик даражага нисбатан ўрта ҳисобда 20 процент кўпайтириш имконини беради.

Ўнинчи беш йилликда **транспорт ва алоқани** янада юксалтириш соҳасида катта вазифаларни бажаришга тўғри келади.

Темир йўл транспортида серқатнов участкаларда қўш йўллар қурилади, юк ортиш ва бўшатиш ишларини механизациялаштириш юксак даражага кўтарилади. Темир йўлларда юк ташиш 24,4 процент, пассажирлар ташиш эса 16 процент оширилади.

Ўнинчи беш йилликда ҳаво транспортида пассажирлар ташиш 29,2 процент кўпайтирилади, республиканинг ҳаво йўлларида ТУ-154, ЯК-42 каби янги реактив самолётлар ва бошқа самолётлар қатнай бошлайди.

Шаҳрисабз ва Гулистонда самолётлар учадиган ва қўнадиган аэродромларни қуриш ҳамда уларга асфальт ва бетон ётқизиш, Андижон, Наманган, Термез ва Қўқонда аэровокзаллар қуриш кўзда тутилади. Тошкент ва Самарқанд аэропортлари реконструкция қилинади, Бухорода янги аэропорт барпо этилади.

Алоқа, радио эшиттириш ва телевидение кенг кўламда ривожлантирилади. Шаҳар телефон станцияларининг қуввати 225 минг, қишлоқ телефон станцияларининг қуввати эса 57,5 минг номер кўпайтирилади. Шаҳарлараро автомат алоқа янада ривожлантирилади. Тошкентда янги почтамтни ва янги радио-телевизион эшиттириш станциясини қуриш мўлжалланади.

Рангли телевидение программаси билан республиканинг ҳамма қисмига хизмат кўрсатишни таъминлаш учун ретрансляция телевизион станцияларини ва радиореле алоқа линияларини қуриш кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтириш йўлини амалга ошириш — **капитал қурилишга** ажратиб бериладиган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда капитал маблағларнинг умумий ҳажми 23 миллиард сўм, яъни ўтган беш йилликдагига нисбатан 22 процент ортиқ қилиб белгиланди. Қурилиш-монтаж ишларига 14,8 миллиард сўм ёки 19 процент кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Беш йиллик планда капитал маблағларнинг берадиган самарасини ошириш ва уларнинг структурасини яхшилаш тадбирлари қўрсатиб берилган. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун давлат томонидан сарф қилинадиган капитал маблағларнинг миқдори ишлаб чиқариш характеридаги қурилишга ажратиб берилган маблағнинг умумий ҳажмига нисбатан тўққизинчи беш йилликдаги 34 процент ўрнига 41 процентни ташкил этади.

Планда капитал маблағларни ишга туширилиадиган объектларга сарф қилишга алоҳида эътибор берилди. Давлат капитал маблағларнинг ҳажми 23,5 процент ортгани ҳолда, республика хўжалигининг турли тармоқларида асосий фондлардан фойдаланиш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 34 процент кўпаяди.

Битказилмаган қурилишларни анча қисқартириб мўлжалланади. Бундай қурилишлар 1980 йилда давлат капитал маблағларининг йиллик ҳажмига нисбатан 1975 йил охиридаги 76 процент ўрнига 56 процент, республика хўжалиги бўйича 74 процент ўрнига 51 процентгача қисқартирилади.

Шу давр ичида электр энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширш 19,5 процент, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш 22,4 процент, шифер 2,8 баравар, цемент 3,5 миллион тонна кўпаяди.

Қурилишларнинг титул рўйхатлари лойиҳаларида уларнинг сметада кўрсатилган қимматини 3-5 процент камайтириш кўзда тутилган.

План қурилиш ишларини изчил равишда индустриалаштиришни кўзда тутади. Йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш 1,42 баравар, қурилиш металл конструкцияларини ишлаб чиқариш эса 1,3 баравар кўпайтирилади. Йирик панелли ва катта блокли қурилишларнинг ҳажми 1,6 баравар ортади.

Ўнинчи беш йилликда фанни жадал ривожлантириш, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасаларида ва бошқа илмий-тадқиқот ташкилотларида иш ҳажмини ошириш ва **илмий-техникавий ечимлар** доирасини кенгайтириш планлаштирилди.

Планда назарий ва татбиқий математика, физика, биология, генетика соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш ва бу тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий этиш кўзда тутилган. Ижтимоий фанлар янада ривожлантирилади.

Экономикани тобора ўстириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негизида **социал тараққиёт** ва **халқнинг турмуш даражасини** юксалтириш соҳасида йирик тадбирларни амалга ошириш планлаштирилди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилади, колхозчиларнинг ижтимоий ҳужалиқдан оладиган даромадлари тобора ортади.

КПСС XXV съезднинг қарорларига мувофиқ, ўнинчи беш йиллида ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш, кўп болали оналарни пенсия билан таъминлашдаги имтиёзларни кенгайтириш, ишлаб турган хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

1980 йилда аҳолининг пул даромадлари 1975 йилдагига нисбатан 32,6 процент кўпаяди ва 12,7 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетади. Ижтимоий истеъмол фондлари 32,2 процент ортади ва аҳоли жон бошига 1975 йилдаги 260 сўм ўрнига 298 сўмдан тўғри келади, реал даромадлар эса 13,6 процент кўпаяди.

Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш ва уларнинг ресурсларини кўпайтиришнинг планда белгиланган ҳажмига мувофиқ, **чакана товар оборотини** 1975 йилдагига нисбатан 39 процент ошириш кўзда тутилди, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналарининг оборот 32 процент ортади.

Аҳолининг ҳўл мева, сабзавотга бўлган ва ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун сотиладиган сабзавот миқдорини 46 процент, мева ва узумни 2,2 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Жон бошига ҳисоблаганда сабзавот ва қовунтарвузни истеъмол қилиш қарийб 1,5 баравар кўпайиб, 113 килограммни, картошка эса 29 процент кўпайиб, 40 килограммни ташкил этади.

Шу беш йилликда **маиший хизмат** ҳажмини 1,7 баравар, шу жумладан қишлоқ жойларда 1,9 баравар кўпайтириш планлаштирилади.

Беш йиллик план лойиҳасида **уй-жой қурилишини** янада ривожлантириш кўзда тутилади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами 26,3 миллион квадрат метрлик, шу жумладан қишлоқларда сал кам 16 миллион квадрат метрлик уй-жой фойдаланишга топширилади. Уй-жой қурилиш кооперативларининг маблағлари ҳисобига қарийб 1 миллион квадрат метрлик уй-жой қуриш планлаштирилади.

Планда **коммунал хўжаликни** ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилган.

Беш йилликда барча шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ район марказларида водопроводлар қурилади. Квартираларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш даражаси шаҳар уй-жой фондида 85 процентга, қишлоқ жойларда эса 70 процентга етказилади. Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишларини янада ривожлантириш, социал-маданий хизматни юксак даражага кўтариш ва бу соҳаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади. 1980 йилда республика территориясида умумий таълим мактабларининг сони 1975 йилдаги 7290 ўрнига 7541 тага, бу мактабларда ўқувчиларнинг умумий сони эса 1975 йилдаги 3,5 миллион ўрнига 3,8 миллион кишига етказилади.

Беш йилликда республикадаги мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчи болалар сони қарийб 300 минг нафар кўпаяди ва 859 минг кишига етказилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги студентлар сони кўпайиб, 506 минг кишини ташкил этади. Республикада учта янги олий ва 15 та ўрта махсус ўқув юртлари очилади.

Кундузги ҳунар-техника билим юртларига қабул қилинадиган ёшлар сони беш йиллиқнинг охирига бориб 127 минг кишига етади, қарийб 100 минг киши малакали ишчи қилиб тайёрланади.

План маданий-қартув муассасалари, оммавий кутубхона, киноустановка шоҳобчаларини янада ривожлантиришни кўзда тутади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида медицина хизмати сифатини яхшилаш, касалхона, поликлиника, санаторий ва дам олиш уйлари шоҳобчаларини кенгайтириш тадбирларни амалга оширилади. Касалхоналардаги ўринлар сони 36 мингтага кўпаяди ва 1980 йилда 1975 йилдагга 143 минг ўрнига 179 мингтага етказилади.

Физкультура ва спорт янада ривожлантирилади.

Партия ва ҳукумат **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** проблемасига катта эътибор бермоқдалар. Атроф муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун 351 миллион сўм ажратиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини** такомиллаштириш ҳақида бир неча қарор қабул қилдилар. Шу қарорларга мувофиқ, халқ хўжалиги плани лойиҳасида Қорақалпоғистон АССР ва республика областларининг табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида уларнинг иқтисодий тараққиёти ва хусусан саноат тараққиётини баравар-лаштириш чораларини амалга ошириш кўзда тутилади. Республикадаги кичик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва қишлоқ район марказларида ишлаб чиқарувчи кучлар тез ривожлантирилади.

План лойиҳасида моддий ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Бу эса Ўзбекистон СҚРнинг **ташқи иқтисодий алоқаларини** кенгайтириш, СССРнинг чет мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигига республиканинг қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун керакли заминни вужудга келтиради. Чет элларда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилаётган объектларга машина-ускуналар етказиб бериш ва экспорт қилинадиган моллар миқдори ўнинчи беш йилликда 45-50 процент кўпаяди.

Саноат маҳсулотининг ҳажми 13,6 миллиард сўмга етади ва 1976 йилда бажарилиши кутилганига нисбатан 4,5 процент кўпаяди.

35,5 миллиард киловатт-соат **электр энергия** ишлаб чиқарилади. 700 минг киловаттли янги қувватларни, шу жумладан Сирдарё ГРЭСида иккита энергоблок ва Фарғона иссиқлик электр станциясида 100 минг киловаттли агрегатни ишга тушириш мўлжалланади.

Ёқилғи саноатида кўмир қазиб чиқаришни 5 миллион 350 минг тонна кўпайтириш кўзда тутилади.

Қора металлургияда ишлаб чиқариш ҳажми 9,7 процент ўсади. Ўзбекистон металлургия заводида пўлат эритувчи цех комплекси ишга туширилади. Бу комплексда йилига 250 минг тонна пўлат эритувчи электр печь ўрнатилади.

Рангли металлургияда бутун ялпи маҳсулот меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан кўпайтирилади. Молибден концентрати, молибден ва вольфрам прокати, олтин ғугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Химия саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 процент, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 22,7 процент ортади. Бутун ялпи маҳсулот қувватлардан яхши фойдаланиш йўли билан кўпайтирилади. 1977 йилда «Электрохимпром»нинг Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмасида азотли кислота ва аммиак селитраси ишлаб чиқариладиган йирик агрегатлар бутун мамлакатда биринчи марта ўзлаштирила бошлайди.

Машинасозлик саноатининг ялпи маҳсулотини 7,9 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Бир қанча маҳсулотларни, шу жумладан куч трансформаторлари, автоматлаштириш асбоблари ва воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари, хилма-хил технология ускуналари кўпроқ ишлаб чиқарилади. Тошкент трактор заводида биринчи марта 1750 та «МТЗ-80Х» маркали трактор ишлаб чиқарилади.

Беш йилликнинг иккинчи йилида ишлаб чиқариладиган **бинокорлик материаллари** 5,2 процент, шу жумладан цемент 1,2 баравар, оҳак 11,7 процент ва томга ёпиладиган материаллар 11 процент ортади. Навоий цемент заводининг 1 миллион 150 минг тонна цемент тайёрлайдиган иккинчи навбати ишга туширилади.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноати янада ривожлантирилади. Шарқий Сибирда янги Ўрмон саноати хўжаликларини барпо қилиш давом эттирилади. «Узглавлеспром» бўйича 1 миллион 540 минг кубометр ёғоч ташиб олинади.

Енгил саноат маҳсулоти 3,4 процент, шу жумладан ип ғазлама 9, шойи ғазлама 6,5, чинни идишлар 7 процент кўпайтирилади.

Озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти 5 процент ортади. Ёғ-мой, гўшт-сут маҳсулотлари, узум виноси, мева-сабзавот консервалари, минерал сув ва бошқа маҳсулотлар кўп миқдорда тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1977 йил план лойиҳасини ишлаб чиқиш вақтида давлат йўли билан харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу масала ҳақида қабул қилган қарорига тамомила мувофиқ суратда белгиланди. Масалан, 656 минг тонна дон, шу жумладан 231 минг тонна шоли, 1 миллион 608 минг тонна картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 438 минг тонна мева ва узум, 210 минг тонна чорва ва парранда (тирик вазнда), 545 минг тонна сут, 640 миллион дона тухум, 24,6 минг тонна жун, 2 миллион 450 минг дона қорақўл тери, 23,5 минг тонна пилла харид қилинади. Пландан ташқари харид қилинадиган маҳсулотлар ҳам шу ҳисобга киради.

Республикада 5 миллион 350 минг тонна пахтани, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда 361 минг, Андижон областида 599 минг, Бухоро областида 525 минг, Жиззах областида 285 минг, Қашқадарё областида 432 минг, Наманган областида 435 минг, Самарқанд областида 515 минг, Сурхондарё областида 460 минг, Сирдарё областида 355 минг, Тошкент областида 410 минг, Фарғона областида 573 минг ва Хоразм областида 400 минг тонна пахтани харид қилиш мўлжалланади.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти шу йилдагига нисбатан 3,7 процент, тўққизинчи беш йилликдаги ўртача йиллик даражага нисбатан эса 16 процентдан зиёд кўпаяди.

Транспортнинг ҳамма турларида юк ташиш ҳажмини 5,3 процент, шу жумладан темир йўл транспортида 4,4 процент, автомобиль транспортида юк ташишни 5,4 процент ошириш мўлжалланди.

Алоқа воситалари янада ривожлантирилади. Шаҳарлардаги автомат телефон станцияларида 45 минг номер ишга туширилади. Қишлоқ жойларда телефон станцияларидаги номерлар сони 85 мингтага етказилади.

1977 йилда **капитал маблағларнинг** умумий ҳажми 4,5 миллиард сўм бўлади ва 1976 йилдагига нисбатан 5,6 процент кўпайтирилади.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш ва кенгайтириш учун сарф қилинадиган капитал маблағ 1976 йилдаги 37 процент ўрнига 1977 йилда 42 процент оширилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 1 миллиард 240 миллион сўм, шу жумладан ишлаб чиқариш характеридаги қурилишларга 1 миллиард 103 миллион сўм сарф қилинади.

Илмий-техникавий ечимларни кенгайтириш мўлжалланди.

Саноатда янги техникани жорий қилиш соҳасида 380 дан ортиқ тадбир амалга оширилади, 30 участка ва цех комплекс тарзда механизациялаштирилади, 160 та механизациялаштирилган поток ва автомат линиялар ҳамда агрегатлар ўрнатилади.

Капитал қурилишда янги прогрессив материаллар ва конструкцияларни қўлланиш миқёслари кенгайтирилади.

Халқ фаровонлиги тобора юксалтирилади. Аҳолининг пул даромадлари 5,8 процент оширилади, шунга мувофиқ харид қуввати ҳам ортиб боради. Шу муносабат билан **товар оборот** 5,6 процент кўпаяди.

Маиший хизмат ҳажми 213 миллион сўмга етказилади. Бу — шу йил бажарилиши кутилганидан 10,6 процент ортиқдир.

Республика территориясида 5 миллион квадрат метрдан зиёд, шу жумладан республика Министрлар Совети томонидан ажратиб бериладиган давлат капитал маблағлари ҳисобига 1,6 миллион ва уй-жой кооперативлари йўли билан 140 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жой фойдаланиш учун топширилади.

Коммунал хўжалигини ривожлантириш учун 95 миллион сўмга яқин маблағ сарф қилинади. План лойиҳаси Тошкент метрополитенининг 12 километр узунликдаги биринчи участкасини ишга туширишни ва биринчи навбатнинг иккинчи участка қурилишини давом эттиришни кўзда тутади.

1977 йилда маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ишлари янада ривожлантирилади. Мактаблар сони 27 та, ўқувчилар сони эса 21 минг нафар кўпайтирилади. Мактабгача тарбия муассасаларида болалар сони 52 минг нафар кўпайиб, 696 минг нафарга етказилади. Республикадаги олий ўқув юртлари ва техникумларда халқ хўжалиги тармоқлари учун анча кўп мутахассис тайёрланади.

Касалхоналардаги ўринлар сони 135 мингтадан ошиб кетади, республика касалхоналарида ҳар ўн минг кишига 1976 йилда 104 ўрин тўғри келган бўлса, 1977 йилда 105,6 ўрин тўғри келади.

Республиканинг **ташқи иқтисодий алоқалари** янада ривожлантирилади.

Ажратиб бериладиган **моддий-техника** ресурслари халқ хўжалиги тармоқларининг 1977 йил план лойиҳасида кўзда тутилган эҳтиёжларини асосан таъминлайди.

Ўнинчи беш йиллик ва 1977 йил халқ хўжалик планларининг муваффақиятли бажарилиши шу беш йиллик биринчи йилининг қандай тугалланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш 11 ойлик планини муддатдан илгари 20 ноябрда бажарди. Ой охиригача пландан ташқари қарийб 380 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Саноат ишлаб чиқарищи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 процент ўсди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш ўн ойлик план топшириқлари учун 102,5 процент бажарилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикономасида давлатга 5 миллион 300 минг тонна пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилганлиги, партия XXV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажариш ишига қўшилган катта ҳисса эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, барча меҳнаткашлари ўз ишларига берилган шу юксак баҳо билан фахрланадилар ва табрикономадаги ғоят самимий сўзлар учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қиладилар. Бу табриконома Ватанимиз бахт-саодати йўлида, коммунизм йўлида янги меҳнат ғалабаларига эришиш учун бизга зўр куч ва ғайрат бағишлайди.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Галлакорлар 2 миллион тоннадан кўпроқ, яъни йиллик планда мўлжалланганидан анча кўп дон етиштирдилар. 817 минг тонна бошоқли дон экинлари йиғиштириб олинди. Бу — тўққизинчи беш йилликда етиштирилган ўртача йиллик ҳосил миқдоридан 1,8 баравар кўп. Ҳар гектар ердан 62 центнер маккажўхори ва 50 центнердан шоли олинди. Ватан омборларига биринчи марта 1 миллион тоннага яқин дон топширилди.

Капитал қурилишда 2,5 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процент кўп маблағ ўзлаштирилди.

Транспорт ва алоқани ривожлантириш, товар оборотини кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш ишларини юксалтириш соҳасида ўн ойлик планнинг асосий топшириқлари тўла ва ошириб бажарилди.

Аммо ўн ой мобайнида бажарилган ишларнинг якунлари хўжалик фаолиятининг бир қанча соҳаларида катта нуқсонлар ва фойдаланилмаётган резервлар ҳам борлигини исбот қилади.

Ўн ойнинг якунларига қараганда, 48 корхона 33 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотини реализация қилолмаган, 201 корхона эса меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида октябрь ойининг охирига мўлжалланган даражага эриша олмаган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам бир қанча камчилик ва нуқсонлар бор. Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми ошган бўлса ҳам, январь — октябрь ойлари мобайнида марказлаштирилган капитал маблағлардан фойдаланиш плани атиги 96 процент бажарилди. Асосий фондларни ишга туширш плани бажарилмай қолди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумида қилган докладида мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди, уларни бартараф қилиш соҳасида аниқ вазифалар қўйилди. Министрликлар, идораларнинг раҳбарлари, жойлардаги сов